



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 28 сентябрь, № 201 (7159) Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Дўстлик ва ҳамкорлик ришталари янада мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 27 сентябрь куни ушбу мамлакатга ташриф буюрди.



Душанбе, 27 сентябрь. Ўза махсус мухбири Алоуддин ГАФҲОРОВ хабар қилади.

Душанбе халқро аэропортида Президентимизни Тожикистон Республикаси Президенти кутиб олди. Президентлар Душанбе шаҳрида икки томонлама учрашув ўтказди. Эмомали Раҳмон Шавкат Мирзиёевни ташриф билан самимий кутлаб, ушбу учрашув олий даражадаги доимий мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

Душанбе халқро аэропортида Президентимизни Тожикистон Республикаси Президенти кутиб олди. Президентлар Душанбе шаҳрида икки томонлама учрашув ўтказди. Эмомали Раҳмон Шавкат Мирзиёевни ташриф билан самимий кутлаб, ушбу учрашув олий даражадаги доимий мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

Душанбе халқро аэропортида Президентимизни Тожикистон Республикаси Президенти кутиб олди. Президентлар Душанбе шаҳрида икки томонлама учрашув ўтказди. Эмомали Раҳмон Шавкат Мирзиёевни ташриф билан самимий кутлаб, ушбу учрашув олий даражадаги доимий мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

Душанбе халқро аэропортида Президентимизни Тожикистон Республикаси Президенти кутиб олди. Президентлар Душанбе шаҳрида икки томонлама учрашув ўтказди. Эмомали Раҳмон Шавкат Мирзиёевни ташриф билан самимий кутлаб, ушбу учрашув олий даражадаги доимий мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Президентининг кўшни давлатлар билан очиклик, ҳамкорлик ва бағрикенглик сиёсати барча тожикистонликлар қатори Турсунзода аҳолисига ҳам катта қувонч бағишлаган. Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил март ойида Тожикистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган шартнома ҳамда Фуқароларнинг ўзаро қатнов тўғрисида битим халқаримиз ҳаётида улкан аҳамиятга эга бўлди. Чегарадан ўтказиш пунктлари фаолияти қайта тиклангани, борди-келди учун 30 кунгача визасиз тартиб жорий этилгани, автотуб ва самолёт қатнови йўлга қўйилгани одамларга кенг қулайликлар яратмоқда.

Ўзбекистон Президентининг кўшни давлатлар билан очиклик, ҳамкорлик ва бағрикенглик сиёсати барча тожикистонликлар қатори Турсунзода аҳолисига ҳам катта қувонч бағишлаган. Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил март ойида Тожикистонга давлат ташрифи чоғида имзоланган шартнома ҳамда Фуқароларнинг ўзаро қатнов тўғрисида битим халқаримиз ҳаётида улкан аҳамиятга эга бўлди. Чегарадан ўтказиш пунктлари фаолияти қайта тиклангани, борди-келди учун 30 кунгача визасиз тартиб жорий этилгани, автотуб ва самолёт қатнови йўлга қўйилгани одамларга кенг қулайликлар яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунининг самарали ижросини, давлат бюрократлари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишни таъминлашнинг мақсадида:

- Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунининг амал қилиши:

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунининг самарали ижросини, давлат бюрократлари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш, шунингдек, давлат харидларининг амалга оширилишини тартибга солишни таъминлашнинг мақсадида:

Ўзбекистон бўйлаб янги ғоялар амалга оширилмоқда

Франциянинг нуфузли таҳлилий нашри — "Politique internationale" ("Халқаро сиёсат") журналининг 160-сонида таниқли сиёсатшунос ва журналист Режи Жаннинг мақоласи чоп этилди. Р. Жант шу йил баҳорда Ўзбекистонга келиб, Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича ўтказилган халқаро конференцияда қатнашган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2018 йил 27 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишینی бошлади. Ялпи мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, мамлакатимиз ҳамда чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди.

Парламент аъзолари ишینی янги таҳрирдаги "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини муҳокамасидан бошладилар.

Иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли химоя қилишнинг қўшимча ҳуқуқий механизмларини яратишга қаратилгани таъкидланди.

Ёшлар тарбияси

Унда маҳалланинг ўрни ҳар қачонгидан муҳим.



Тошкент шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Оилани мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиялашда ўзини ўзи бошқариш органларининг роли" мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтмоқда.

Мақсад Ўзбекистоннинг оилани мустаҳкамлаш ҳамда ёшлар тарбияси борасидаги тажрибаси билан хорижликларни яқиндан таништириш, соҳанинг долзарб муаммолари юзасидан ўзаро фикр алмашиш, уларнинг олдини олиш ва бартараф

этишининг самарали йўллари топиш, бу борада халқаро ҳамда чет эл ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Ушбу йўналишда юртимизда салмоқли ишлар амалга ошириб келинаётир. Оилаларимизда

камолга етаётган ёшларимиз давлатимиз бойлиги, эртанги кунимизнинг халқчилуви кучи экан, уларни асраб-авайлаш, турли таҳдидлардан химоя қилиш бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим ҳисобланади.

Оила ҳимоят ва давлат ҳимоясида

Бой илмий-маданий меросимиз, қадимий урф-одат ҳамда анъаналаримиздан авниқ, ҳар қандай замон ва маконда ҳам оила биз учун муқаддас қадрият саналган. Бинобарин, тарбиявий, маънавий-маърифий, руҳий-ахлоқий, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик ҳисобланмиш оила қанчалик мустаҳкам бўлса, ҳимоят ҳам шунчалик барқарор тараққиёт этишини аждодларимиз жуда яхши англашган.

Шу боис ота-боболаримиз оилага жуда катта эътибор билан қараган. Буюк алломаларимиз Махмуд Қошғарий, Аҳмад Юнақий, Каёқовулдан тортиб Беруний, Ибн Сино, Форобий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек ва бошқаларга ўз асарларида оилавий маса-

лар, ҳикматли сўзлар, шеърлар сатрлар орқали панд-насихатлар, ҳаётий хулосалар ёзиб қолдирганлар. Махмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Мунавварқори Абдурашидов каби маърифатпарварларимиз ҳам одоб-ахлоқий ғўзал, ҳисоман ва маънан отук авлоднинг тарбиялашнинг ягона йўли — барқарор оила қуриш эканини, оилани мустаҳкамлашдан давлат ва ҳимоят тараққиётига эришиш бўлмаслигини таъкидлашган.

Долзарб мавзу

Ўза



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

нархлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидларига нисбатан татбиқ этилмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.

суд муҳокамаларида иштирок этиш учун адвокат (вакил) тайинлаши билан боғлиқ; нархлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қатъий белгиланган товарлар (ишлар, хизматлар) давлат харидларига нисбатан амалга оширилиши белгилансин.

соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти тахлилини доимий равишда ўтказиб борсин.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда киритсин;

Дунё нигоҳида

«Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати Марказий Осиёдаги сиёсий ландшафтни мутлақо ўзгартирди»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳиндистонга давлат ташифи арафасида ушбу мамлакат оммавий ахборот воситалари юртимиз тарихи, маданияти ва замонавий тараққиётига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, нуфузли "The Hindu" газетасида шарҳловчи Суҳасини Хайдарнинг шу мавзудаги мақоласи

костин минтақадаги ўзгаришларнинг ҳаракатланувчи кучига айланди.

чоп этилди. Муаллифининг ёзишича, икки мамлакат кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик ришталари билан боғланган.

риқ санаот ва инфратузилма объектиларини қуриш, республика ҳудудлари

Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ва олиб борилаётган янгилаштирилари ҳақидаги мақола эълон қилинди.

Нью-Делида жойлашган Мудфоа тадқиқотлари ва сиёсий таҳлил институту

Ўзбекистон ва Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигининг янги имкониятларига бағишланган таҳлилий маърузани омма эътиборига ҳавола этди.

Ҳужжат муаллифи, таникли эксперт ва академик Пунчок Стобдан (Punchok Stobdan) давлатлараро савдо-иқтисодий алоқалар ҳолатини ижобий баҳолайди.

Дели Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг муҳим давлати, деб ҳисоблайди. Республиканинг янгилашган ташқи сиёсати Марказий Осиёдаги сиёсий ландшафтни мутлақо ўзгартирди, янгича муҳит яратди.

Албатта, Ҳиндистон матбуоти Ўзбекистон мавзусини қанчалик катта эътибор билан ёритаётганини тўлалигича ифодалаш учун бир мақола камлик қилади.

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Натижалар кўзга яққол ташланмоқда — Ўзбекистон куни кеча Канаданинг "SkyPower" компанияси билан 1,3 миллиард АҚШ долларига тенг инвестиция шартномасини имзолади.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонга олиб кирадиган товарлар учун божхона солиқларини сезиларли равишда пайсаятирган мамлакат тадбиркорлари томонидан чинакам инқилоб сифатида қабул қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев меҳнат миграцияси билан боғлиқ вазиятни тубдан ўзгартирди. У мигрантлар чет элдан қонуний асосда ишлаб, ўз мамлакатининг ҳуқуқий ёрдамидан фойдаланиши имкониятига эга бўлиши учун Россияда Ўзбекистоннинг тўққизта ваколатхонасини очмоқда.

Президент ўрта ва кичик корхоналарга катта ишонч билан қарамокда. Унинг фикрига кўра, хусусий сектор иқтисодий ўсишнинг асосий йўналишидир.

Ўзбекистон этакисини "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади", деган тамойилни илгари сурди, деб ўз фикрини давом эттирадиган мақола муаллифи. Президент ушбу тамойилни ҳаётга қатъий жорий этишига одамлар тўлиқ

ишонмоқда. Мамлакатдаги вазият тубдан ўзгарди. Одамлар эркинлик муҳитини тобора кўпроқ ҳис этмоқда.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаоллашмоқда. Журналистлар мамлакатдаги ҳақиқий аҳволни ёрита бошлади. Бугунги кунда улар ҳатто замон билан ҳамқадам бўлиб, давлат раҳбарининг ислохотлар соҳасидаги бarchа амалий ҳаракатини ёритиб боришга улгурмасдан қолмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев халқни ўз муаммолари ҳақида очик гапиришига чақирмоқда. Айнан шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ташкил этилди, унда аҳоли давлат аппарати ишидаги камчиликлар бўйича ўз шикоятлари билан мурожаат қилиши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг дин соҳасидаги сиёсати янада кўпроқ эътиборга сазовордир. Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди.

Ўзбекистон этакисини ташқи сиёсат соҳасида минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик алоқаларини тиклашнинг ўстувор йўналиши, деб эълон қилди.

Ўзбекистон бўйлаб янги ғоялар амалга оширилмоқда

Масалан, унинг Қирғизистонга амалга оширилган тарихий воқеа сифатида тан олинди.

Айни шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон Президентининг шу йил март ойида Тожикистонга амалга оширилган ташифи янада кўпроқ тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Шунингдек, Қозғоғистон ҳамда Туркменистонга амалга оширилган таширлар ҳам очик мулоқот ва икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга тўқсинлик қилаётган муаммоларни ҳал этишга интилиши руҳида ўтди.

Ўзбекистон Президентини минтақавий даражада ҳам ташаббусини ўз қўлига олмоқда. Унинг янгича сиёсатидаги ёрқин воқеалардан бири 2018 йил 27 мартда Тошкент шаҳрида юқори даражадаги

27 та хорижий давлат делегациялари, жумладан, Афғонистон Президенти Ашраф Ғани, Европа иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Федерика Могерини, Россия, Покистон, Туркия ҳамда бошқа давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари иштирок этган Афғонистон бўйича халқаро конференциянинг ўтказилгани бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилда давлат раҳбарлигига келган кундан эътиборан бошлаган ислохотларнинг қўлими ва миқёсидан фақат хайратланиш мумкин, деб ёзади Р. Жант. Атиги 2 йил аввал иқтисодий протекционизмга барҳам берилди ҳамда миллий валюта конвертацияси тикланди, деб ким ўйлаганди? Махаллий журналистларнинг халқаро конференциянинг ўтказилгани бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев олдинга қараб бормоқда. У "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади", деган ғояси тўғри эканига қатъий ишонди.

Ўзбекистон бўйлаб янги ғоялар амалга оширилмоқда. Бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарорлиги ва тараққиёти ҳамда Россия, АҚШ ёки Хитой каби йирик давлатлар жалб этилган манфаатлар қурашининг натижаси Шавкат Мирзиёев ислохотларининг муваффақияти билан боғлиқ, деб ҳулоса қилади Режи Жант.

Париж битими мамлакатимизга нима беради?



Депутат минбари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жорий йил 25 сентябрда ўтказилган навбатдаги мажлисида қатор муҳим қонун ҳужжатлари кўриб чиқилди.

Мажлисида қайта этилгандек, бугун жaxon ҳажмамити иқлим ўзгаришининг инсоният олдига қўйган энг жиддий муаммолардан бири, деб тан олмақда.

Бутунжaxon метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги кунгача глобал йиллик ўртача ҳаво ҳарорати 1880 йилдаги даражадан 1°Cга ортган.

шига, шунингдек, бошқа табиат ҳодисалари — селлар, тошқинларнинг тез-тез такрорланишига олиб келиши мумкин.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ ортб бораётган глобал таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида 2015 йил 12 декабрда Парижда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг иқлим ўзгаришлари бўйича доиравий конвенцияси (ИУДК)га бағишланган конференциянинг 21-сессиясида Париж битими қабул қилинди ва 2016 йил 4 ноябрда кучга кирди.

Ҳозирги вақтда Париж битимини имзолаган 195 мамлакатнинг 180 таси мазкур ҳужжат иштирокчиси ҳисобланади. Битимни ратификация қилмаган мамлакатлар қузатувчи макромисга эга бўлиб, улар учун халқаро ташкилотлар томонидан иқлимга доир дастури ва лойиҳаларни молиялаштиришда чекловлар қўлланилади.

Ушбу битимнинг мақсади сайёрамизда глобал исиниши индустриал ривожланиш даридаги ўртача ҳароратга нисбатан Цельсий шкаласи бўйича 2°Cга саклаб туриш ҳамда ҳароратнинг 1,5°Cгача ўсишини чеклашга эришилгани иборат.

лакатларнинг таракхий этабтган давлатларга иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва унга мослашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мажбурияти юқлатилган.

Ҳозирги вақтда махсус жамғарма умумий қиймати 1,5 миллиард АҚШ долларлик 35 та лойиҳани молиялаштирмоқда. Улар орасида Ўзбекистон ҳамда Тожикистон учун Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги "Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг олдини олиш дастури" лойиҳасини молиялаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда (20 миллиард АҚШ долларига тенг грант).

Маълумки, Ўзбекистон 2017 йил 19 апрелда БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош қароргоҳида Париж битимини имзолаган, бироқ ҳозирги вақтга қадар ушбу битимни ратификация қилмаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси "Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь)" ратификация қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниши Ўзбекистон учун қатор имкониятларни тақдим этади.

Кобил НОСИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

Ёшлар тарбияси

Унда маҳалланинг ўрни ҳар қачонгидан муҳим.



1 Тадбирнинг дастлабки кунда иштирокчилар пойтахтимиздаги "Хазрати имом" мажмуаси, Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмirlар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактаби, 18-Болалар мусиқа ва санъат мактаби, Юнусобод туманидаги "Увайсий" ҳамда Шайхонтоҳур туманидаги "Хувайдо" маҳалла фуқаролар йиғинларида бўлиб, уларда яратилган шарт-шароит ва қўлайликлар ҳамда мазкур тузилмаларнинг фаолияти билан яқиндан танишилди.

— Увайсий номидаги маҳалланинг оилаларни мустаҳкамлаш бобидаги фаолияти билан атрофлича танишиш имконига эга бўлди, — дейди Тинчлик ва дипломатик тадқиқотлар институти президенти Муҳаммад Асиф Нур (Покистон). — Маҳалла раиси бу ҳақда гапириб берди. Айниқса,

мазкур тузилманинг оилавий низоларни бартараф этиш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти эътиборга олинди.

Бундан икки йил олдин ҳам юртингда мехмон бўлгандим. Утган вақт мобайнида салмоқли ўзгаришлар қилинибди. Буни маҳаллалар фаолияти мисолида кузатишим. Конференция давомида бу ҳақда янада кўпроқ билиб олишга ҳаракат қиламан.

— Маҳалла тўғрисида китобларда ўқиганмиз, фильмларда кўрганмиз, фақат бугун ушбу тузилма нима эканлигини ўз кўзимиз билан кўрдик, — дейди "Ижтимоий фикр" тадқиқот институти директори, социология фанлари номзоди Ботағоз

Ракишева (Қозоғистон). — Билишимча, ҳудуднинг тинчлиги ҳамда тарақиёти маҳалла фаоллари, хусусан, йигин раиси салоҳияти билан боғлиқ. Ушбу институтнинг яна қатор жиҳатлари бор эканлиги, уларни ўрганиш ҳар бир иштирокчи, шу жумладан, мен учун ҳам айнани муваффақий. Бу йил ўтадиган асосий тадбир давомида у ҳақда кўпроқ ўрганиш ниятим бор.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Динара ЧИРКОВА олган сурат.

Эътибор

Шинам уйлар кўпайди

Андижон шаҳрида ўтган йили 7 та кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. — Жорий йилда мазкур кўрсаткич 14 тага етиши кўзда тутилган, — дейди Андижон шаҳар ҳокими маслаҳатчиси Равшанбек Қобилов. — Яна 588 та оила ўз тураржойига эга бўлади. Янги хонадонлар замонавий, шинам, барча қўлайликка эга.

Саминжон ХУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

да ўтириб, интернет орқали фарзандларининг машғулотларда қандай иштирок этаётгани, ўзини тутиши ва кун давомидаги жараёнларни кузатиши мумкинлигини ҳайратлиқ икки қарра ортганини айтди.

Одилбек ОДАМБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ташаббус

Ота-оналар интернет орқали фарзандларидан хабардор бўлиб туришади

Хива шаҳридаги Шихлар маҳалласида 100 ўринга мўлжалланган янги мактабга таълим муассасаси очилди. Ун йилдан бунён ташландиқ аҳволга келиб қолган бу бинонинг қайта тикланишига 850 миллион сўм сарфланди. Мебеллар жамламаси, болалар учун махсус қаравотлар, тиббий ускуналар, мусиқий асбоблар, турли ўйинчоқлар — ҳаммаси бор.

— Небарамни олиб келдим, — дейди меҳнат фахрийси Манзура Мамуродова. — Шунанга қўлайлик яратса ҳам бўларкан-ку. Жуда хурсанд бўлдим.

Манзура опа ҳар бир гуруҳ хонасига ўрнатилган кузатув камералари ёрдамида ота-оналар уйлари-

Оила — жамият ва давлат ҳимоясида

1 Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Ўзбекистон ўз истиқболи ва келажagini оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани ақолидаги анъанавий кадриятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганда ҳам яққол намойи бўлмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан миллий ҳамда маънавий кадриятларимиз асосида ушбу соҳада йиллар давомида туланиб қолган, эътибордан четда қўлиб келган муаммолар ечимни юзасидан тегишли давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари олдига энг муҳим ва долзарб вазифалар қўйилди. Мазкур Фармонга биноан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази оила институти соҳасида ягона давлат сиёсатини юритувчи тизим сифатида ташкил этилди. Марказнинг асосий вазифаси давлат ва жамоат ташкилотлари, парламент, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари Ўзбекистон оилаларини мустаҳкамлаш госяси атрофида бирлаштириш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш, мамлакатда фақат соғлом оила — соғлом жамият устуни бўла оlishини аҳоли онгига синдириш, илмий-инновацион тадқиқотларни амалга ошириш орқали оила институтини мустаҳкамлаш этиб белгиланган мамлакатимизда бу борада мутлақо янги босқичдаги саъй-ҳаракатлар бошланганидан далолат беради.

Ўз навбатида, умуминсоний ва миллий оилавий кадриятларни таҳлил қилиш асосида замонавий, намунали оила мезонларини белгилаш ҳамда "Оила жамият ва давлат ҳимоясида" конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга синдириш масалаларига комплекс ёндашиш фаолиятимизда устувор аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, жамиятда энг ибратли оилавий анъаналарни сақлаб қолиш ҳамда тарғиб қилиш масалалари бўйича ҳудудларда қатор фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилаётган. Мисол учун, замонавий муваффақиятли оила мезонлари қандай бўлиши керак, деган мавзуда республикамизнинг турли вилоятларида 800 дан ортиқ оилаларда илмий сўровлар ўтказилиб, яқиний натижалар бўйича замонавий оиланинг модели ишлаб чиқилди. Тадқиқот ўтказилган оилалар вакиллари тажрибали фикрлари ва кўра, оиладаги соғлом ва барқарор, оғир сизда психологик муҳит; юксак маънавий-ахлоқий тарбия; етарли даражадаги иқтисодий ва маънавий шароитлар; оила аъзоларининг таълим йўналишида олий маълумотлилик даражаси; сиҳат-саломатликка алоҳида эътибор қаратиш замонавий намунали оиланинг асосий мезонлари қаторига кирди.

Шу ўринда ҳар қанча аччиқ бўлмасин, очик айтиш керак, тадқиқотларимизнинг қўрсатишча, кейинги пайтларда халқимизга ҳос бўлмаган айрим иллатлар — оилавий ажрашувлар, турли низоли вазиятлар, ишсизлик, оиладаги носоғлом муҳит, маънавий тушуқчилик, ахтирмаслиқ, жиноятга қўл уриш ҳолатлари каби оимолар нотинч, ноқобил, кемтик оилалар ва қатор иқтисодий-маънавий муаммоларни пайдо қилмоқда. Айниқса, ажрашувлар сонининг камаймаётгани кишида жиддий таъшиш уйғотади. Республикаимизнинг урта вилоятларида олиб борган тадқиқотларимиздан маълум бўлдики, оилалар барбод бўлишига қўйидаги оимолар асосий сабаб бўлмоқда.

Психологик оимолар — оиладаги оғир психологик муҳит, ўзаро тушуқчиликнинг йўқлиги, оиладаги доимий низолар, ота-оналарнинг ёш эр-хотин ҳаётига аралашishi, ёш эр-хотинларни беғоналаштириб қўйиш, бир-бирига бағарлик;

Иқтисодий оимолар — ичкилиёбозлик, фар-

зандсизлик, эр ёки хотиннинг саломатлиги яқши эмаслиги;

Маънавий-ахлоқий оимолар — эр-хотиндан бирининг ўзоқ вақт давомидаги никоҳдан ташқари алоқалари;

Иқтисодий оимолар — тураржой шароитларининг қоникарли эмаслиги, моддий етишмовчилик, ишсизлик, эрининг оилани таъминламаслиги, меҳнат мигранти сифатида чет элга кетган эр-хотиндан бирининг оиласи билан алоқаси ўзилгани, қарзларни узоқламаслиқ.

Эътибор этиш лозим, ҳозирги кунга қадар 11800 дан ортиқ низоли оилаларнинг иши судга етиб бормасдан, ФХДЕ органи ва судга ажрашиш учун ариза берган 3100 дан зиёд оилаларни эса ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда яраштиришга эришилди. Умуман, бузилди кетиш арафасида турган 14645 та оила сақлаб қолинди.

Олиб борилган тадқиқотларимиз ҳулосаларига таяниб, ажрашишларнинг олдини олиш, оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган қатор тақриплар ишлаб чиқилди. Бизнингча, энг аввало, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Яраштириш комиссиялари ва "Ота-оналар университети" тузилмалари учун малакали кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйиш зарур. Оила қураётган фуқароларни тегишли қонунчилик асосида эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусан, никоҳ шартномасини тузиш тартиблари, шарт-шароитлари, оқибатлари юзасидан ҳуқуқий саводхонлигини ошириш лозим. Бу борада кенг қамровли тарғибот

корликда комплекс ўрганиб чиқилди. Оилалар билан ишлаш бўйича тренинглар ташкил этиш орқали соҳа мутахассислари мукамал билим ва кўникмалар берилди. Ўз навбатида, "Оила" марказининг мутахассислари давлат ҳамда нодавлат ташкилотларига оилага хизмат кўрсатишни таъминлаб берувчи мутахассис сифатида яқинлаштирилмоқда. Натижанда мураккаб шароитда қолган, муаммолли оилалар давлат хизматидан баҳраманд бўляпти. Айни вақтта қадар Тўрақўрғон туманидаги оилалар холати тулиқ илмий-амалий таҳлил қилиниб, 84 тасини ноҳор ҳолатдан чиқариш бўйича ҳар бири учун алоҳида "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди ва ушбу ҳужжатлар ҳаётга жорий этилаётган.

Марказимиз бўйича 10000 дан ортиқ но-тин оилалар аниқлиниб, барча ҳудудий бўлиналаримизда маълумотлар базаси шакллантирилди ҳамда улар билан инди-видуал иш олиб бориляпти. Шу билан бир-га, 4343 та ўта ноҳор оиланинг асосий муаммоларини ҳал этиш бўйича туманларда-ги секторлар, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалий ёрдам бериш чоралари ишлаб чиқилди. Оиланинг ички муноса-батлари, шахслараро муносабатлар, бой маданый тарихий мерос ва анъанавий оила-вий кадриятларни сақлашда муаммолари бўлган 3819 та оила билан тўғридан-тўғри алоҳа йўлга қўйилди. 1,5 миллиондан ортиқ намунали оилалар бўйича маълумотлар ба-заси шакллантирилди.

Албатта, оилалар билан ишлашда соҳа мутахассисларидан юкори билим ҳамда кўникма, ўзига хос тажриба талаб этилади. Шунини эътиборга олиб, марказимизнинг ви-лоят бошқармалари қоши-да ташкил қилинган кадр-лар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув-курс-ларда, биринчи навбатда, марказ ҳамда ҳудудий бўлиналари ходимлари учун ўқув-курслари ташкил этилиб, машғулотларни ўтаганларга махсус серти-фикатлар берилди. Ҳозир-ги кунда эса бутун респу-блика бўйлаб маҳалла фуқаролар йиғинларининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислари ўқувлари илчил давом эттирилмоқда.

Оила институтини соҳаси-да марказимиз бир қатор давлат ва нодавлат, халқаро таҳсил оилалари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамламоқда. Айни пайтга қадар 20 дан ортиқ ташкилотлар билан Меморандум имзоланиб, фаол ҳамкорлик ўрнатилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг 27 июнь кунин Президентимиз қарори билан Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш кон-цепцияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқлангани ҳам юр-тимизда оилалар фаровонлиги учун давлат ҳамда жамият астойдил қайғураётганининг ҳаётий ифодаси бўлди.

Ушбу Концепцияни амалга оширишдан қўзғалган асосий мақсад мамлакатимиздаги ҳар бир оиланинг ҳуқуқ ва манфатларини тулиқ рўёбга чиқариш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, оилавий муно-сабатлар муваозанатини таъминлаш, оила фаровонлигини ошириш, муостаас айтган-да, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, давлатимизнинг илчил ва барқарор тарақиётига эришиш-ди. Ниятимиз, ҳар бир оила маънавий соғлом, бахтли ва хотиржам ҳаёт кечир-син. Оила бағрида улғайётган фарзандлар қимил инсон сифатида вога етиб, давла-тимизнинг кучига куч, қудратига қудрат қўшаверсин. Зеро, оила жамиятнинг асосий бўғини экан, унинг мустаҳкам бўлиши, фаровонлиги давлатимиз ва жамиятимиз равангага хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Оила институтини соҳаси-да марказимиз бир қатор давлат ва нодавлат, халқаро таҳсил оилалари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамламоқда. Айни пайтга қадар 20 дан ортиқ ташкилотлар билан Меморандум имзоланиб, фаол ҳамкорлик ўрнатилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг 27 июнь кунин Президентимиз қарори билан Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш кон-цепцияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқлангани ҳам юр-тимизда оилалар фаровонлиги учун давлат ҳамда жамият астойдил қайғураётганининг ҳаётий ифодаси бўлди.

Ушбу Концепцияни амалга оширишдан қўзғалган асосий мақсад мамлакатимиздаги ҳар бир оиланинг ҳуқуқ ва манфатларини тулиқ рўёбга чиқариш, улар учун муносиб турмуш шароитини яратиш, оилавий муно-сабатлар муваозанатини таъминлаш, оила фаровонлигини ошириш, муостаас айтган-да, оила институтини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган ҳолда, давлатимизнинг илчил ва барқарор тарақиётига эришиш-ди. Ниятимиз, ҳар бир оила маънавий соғлом, бахтли ва хотиржам ҳаёт кечир-син. Оила бағрида улғайётган фарзандлар қимил инсон сифатида вога етиб, давла-тимизнинг кучига куч, қудратига қудрат қўшаверсин. Зеро, оила жамиятнинг асосий бўғини экан, унинг мустаҳкам бўлиши, фаровонлиги давлатимиз ва жамиятимиз равангага хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
«Оила» илмий-амалий
тадқиқот маркази директори.



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ишларини юритиш, тегишли услубий қўлланмалар яратиш, методик тавсиялар ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ. Умуман ташкилотлардан тортиб, олий ўқув юр-тининг дастурларига оила сабоқларини ўргатувчи дарс машғулотларини кири-тиш фойдадан холи бўлмайд.

Жойлардаги ўрганишларимиз шуни қўрсатмоқдаки, бутун оила аталмиш муқад-дас даргоҳ оstonасидан хатлаётган кўпчи-лик ёшларимиз, афсуски, мустақил ҳаётга на иқтисодий, на маънавий, на ҳуқуқий, на руҳий ва на диний-маърифий томондан тай-ёр. Бу муаммога ечим излаб Тошкент ви-лоятининг Паркент туманида ФХДЕ орга-нига никоҳдан ўтишга ариза берган бўл-гуси келин-қуввалар учун махсус ўқув-курс и ташкил этиб, бир ой мобайнида уларнинг билим ва кўникмаларини оширишга ҳа-ракат қилди. 15 жуфтликка ўз касбининг мо-ҳир устаси бўлган мутахассислар томони-дан интерактив, инновацион усулларда маш-ғулотлар ўтилди. Паркент туманида ил-чил давом эттирилаётган бу ўқув-курс и ёшларга ниҳоятда маъқул келгани боис ушбу тажрибани бутун республикамиз бўйлаб оmmалаштирмоқдамиз. Яқин кун-лар ичида эса марказимизнинг Ўзбеки-стон ёшлар иттифоқи билан биргаликдаги лойиҳаси — Тошкент шаҳрининг Шайхон-тохур туманида "Бўлгуси келин-қуввалар ин-новацион мактаби" фаолият бошляпти.

Бундан ташқари, мутахассисларимиз то-монидан Наманган вилоятида оила маса-лаларига янгича инновацион ёндашув жорий этилмоқда. Бунинг учун аввал оила-га қўрсатиладиган хизматлар Тўрақўрғон ту-манидаги қатор муассасалар билан ҳам-

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

олий ўқув юртидан кейинги таълимга қуйидаги ихтисосликлар бўйича

2019 йил учун қабул эълон қилади.

- Таянч докторантура**
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)
- 01.01.01 — Математик таҳлил — 1 ўрин.
 - 01.01.02 — Дифференциал тенгламалар ва математик физика — 1 ўрин.
 - 01.02.05 — Суюқлик ва газ механикаси — 1 ўрин.
 - 02.00.01 — Ноорганик кимё — 1 ўрин.
 - 02.00.13 — Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси — 1 ўрин.
 - 02.00.15 — Силкат ва кийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси — 1 ўрин.
 - 02.00.17 — Қишлоқ ҳўжалик ва озиқ-овқат махсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари — 1 ўрин.
 - 03.00.06 — Зоология — 1 ўрин.
 - 06.01.08 — Ўсимликшунослик — 1 ўрин.
 - 08.00.05 — Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти — 2 ўрин.
 - 08.00.05 — Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти (DSc) — 1 ўрин.
 - 08.00.06 — Эконометрика ва статистика — 1 ўрин.
 - 08.00.15 — Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти — 1 ўрин.
 - 10.00.01 — Ўзбек тили. Ўзбек адабиёти — 1 ўрин.
 - 10.00.06 — Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик — 3 ўрин.
 - 10.00.04 — Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти — 1 ўрин.
 - 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент — 1 ўрин.
 - 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича) — 1 ўрин.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун таянч докторантурада ўқиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- қалфат хати;
- қисқача биографик маълумотнома (объективка);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатлари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим қилдилар.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили бўйича кириш имтихонлари топширадилар.

Мустақил изланувчилик

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
 - қисқача биографик маълумотнома (объективка);
 - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
 - олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
 - нашр этилган илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхалари;
 - иш жойидан тавсифнома.
- Мустақил изланувчиликка талабгорларни танлаб олиш 2018 йил 30 ноябргача бўлган муддатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли ҳулосасига кўра амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 октябргача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари жорий йил 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.
Манзил: Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй.
Маълумот учун телефон: 90 323-99-23.

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги

ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

таянч докторантура (PhD) ва докторантурага (DSc) ихтисосликлар кесимида қуйидаги соҳалар бўйича ўқишга қабул эълон қилади:

- Докторантур — фалсафа доктори (PhD):**
05.09.07 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси — 2 ўрин.
06.01.02 — Мелиорация ва сугорма деҳқончилик — 1 ўрин.
- Докторантурлар — фан доктори (DSc):**
05.09.07 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси — 1 ўрин.

Ҳўжжатлар 2018 йил 15 октябргача қабул қилинади.
Маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
100000, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 44-уй.
Телефон: 71 242-29-71. E-mail: lsmiti@minwater.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71 233-52-55;
Котибаат 71 233-10-28; Эълонлар 71 232-11-15.

ТАЪРИҲИЯТ: келган қўлашлар тақриз қилинмайди ва мўаллифа қайтармайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термалди ҳамда оператор А. Исмомов томонидан саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик хизматдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул.
Босмахона телефони: 71 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Б. Ғофуров.
Муаххаз — С. Исмомов.

"Шарқ" нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.05 Топширилди — 02.00 2 3 4 5 6